


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)*  
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Қарши



## **1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Қарши давлат университети;

## **2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил « 29 » 08 даги 5 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил « 09 » 09 даги 202- сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рақамсига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	<i>61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)</i> бакалавриат таълим йўналиши касбий фаолиятининг таснифи .....	4
1.2.1.	<i>61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	<i>61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари. ....	5
2.	<i>61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар .....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув варағи .....	9

**1. 61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)  
бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, сиртки ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)** таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун маъсул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

**1.2.1. 61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)** таълим йўналиши – фан ва туризм соҳасидаги таълим йўналиши бўлиб, туризм соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш, туристик корхоналарда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш, ташкилий бошқарув таркибини шакллантириш, бизнес стратегиясини таҳлил қилиш, маҳсулот ва хизматларни реклама қилиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, туризм корхоналарида хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш, хизматлар бозорини сегментлаш, туризм маҳсулот истеъмолчилари хулқ-атворини ўрганиш, туризм корхоналари фаолиятини бошқариш, рақобатбардошлик ҳолатини таҳлил қилиш, туризм корхоналари дастурини тузиш, турли мулкчилик шаклидаги туристик ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантиришга, истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услублари билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соҳа мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

**1.2.2. 61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– давлат ва нодавлат туристик корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

– меҳмонхона комплекслари, соғломлаштирувчи масканлар ва улар билан боғлиқ жойлаштириш воситалари;

– туризмнинг соҳа ва тармоқларида ташкилот, корхона ва муассасалар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;

– туризм соҳасида вазиятли ва тизимли ёндошув тамойилларини татбиқ этиш, давлат ва маҳаллий бошқарув қарорларини амалга ошириш жараёнлари;

– туризм ташкилотлари ва корхоналарида замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш жараёнлари;

– туристик фирма ва компаниялар, шунингдек, турли мулк шаклидаги туристик корхоналарни бошқариш, илмий тадқиқот муассасалари ва маҳаллий давлат органларида иқтисодий фаолиятни таъминлаш;

– туризм соҳаси билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари.

**61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқига эга бўлади.** Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

**1.2.3. 61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- ташкилий-бошқарув.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- ахборот-таҳлилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

**1.2.4. 61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

**61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамқасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:**

**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- режалаштириш ишларини ташкил этиш;

- хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик-молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича истиқболли ва жорий режаларни (дастурларини) ишлаб чиқиш;

- хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий фаолиятини оқилона ташкил этишда мамлакатимиз ва хориж тажрибасини ўрганиш;

- ишлаб чиқаришни технологик асосларини билиш;

- хўжалик юритувчи субъектларни техника-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва хўжалик фаолияти таҳлилинини олиб боришда ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш меъёр ва қоидаларига амал қилиш.

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;



- туризм соҳаси бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- туристик корхоналарда ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

- туристик корхоналар ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишнинг натижаларини баҳолаш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини назорат қилиш;

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

- туризм соҳаси бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида иктисодий хизмат бўлинмаларини ташкил этиш;

- туристик корхоналарда янги товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

- туристик корхоналарда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- туристик корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларини қўллаш;

- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, инфорацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

#### **Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;

- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;

- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;

- мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар кўрсаткичлари ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;

- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш

- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларда иктисодиётнинг долзарб йўналишлари юзасидан илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

- туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

- туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;

- туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналаридаги муаммолар мавзулари бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

#### **Тадбиркорлик фаолиятида:**

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;

- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

## **2. 61010400 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда туристик корхона (ташкилот)ни ривожлантириш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- ижодий фикрлаш, музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

- корпоратив ахборот тизимларини, молиявий-иқтисодий таҳлил ва молиявий ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;

- стратегик ва операцион режалаштириш, ишни самарали ташкил этиш, бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;

- иқтисодий ўсиш, стратегик таҳлил қилиш, рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- активларни баҳолаш, айланма маблағларни бошқариш, дивиденд сиёсати ва капитал тузилмасини шакллантиришда молиявий бошқарувнинг асосий усулларини қўллай билиш;

- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- макроиқтисодий муҳитни, бозор ва унга хос хатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш фаолиятига таълуқли қарорларни қабул қилишда, уларни аниқ вазифаларга мослаштириш орқали иқтисодий, молиявий ва ташкилий-бошқарув моделларини шакллантиришда миқдорий ва сифатли таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- бухгалтерия сиёсати ва туристик ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини

шакллантиришда молиявий бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари ва стандартларини, бошқарув ҳисоби маълумотлари асосида харажатларни бошқариш ва қарорларни қабул қилиш уқувига эга бўлиш;

- бизнес жараёнларини моделлаштириш, бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;

- янги ташкилотларни (фаолият йўналишлари, маҳсулотлари) яратиш ва ривожлантириш учун бизнес режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш.

### Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

#### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, кредит-модуль тизими, хизмат кўрсатиш, ижодий фикрлаш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.



КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Қарши давлат университети  
Д.Х. Набиев  
2021 йил « 10 » август

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор  Ш. Якубов  
2021 йил « 12 » август  
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси туризм ва  
маданий мерос вазирлиги Қашқадарё  
вилоят бош бошқармаси

Бошқарма бошлиғи  А.И. Закиров  
2021 йил « 10 » август  
М.Ў.

“DUBAY SARBON EXCELLENT REST”  
МЧЖ қўшма корхонаси

Директор  Ш. Нафасов  
2021 йил « 15 » август  
DUBAI SARBON  
EXCELLENT REST